

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРАТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



20-йиллик дипломатик
алоқаларимиз

International scientific-practical conference on
**COOPERATION BETWEEN THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN AND JAPAN IN ECONOMY
AND CULTURE**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЯПОНИЯ
ЎРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ
СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИК**

*Халқаро илмий-амалий анжуманининг
МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТўПЛАМИ*



2012 йил 5 июнь

Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик. Халқаро илмий-амалий анжуман маъруза тезислари тўплами (2012 йил 5 июнь). - Т.: ТДИУ, 2012. - 143б.

Ушбу халқаро илмий-амалий анжуман маъруза тезислари тўплами Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги дипломатик ҳамкорлик ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишланганлиги ўзига хос аҳамиятга эга.

Мазкур анжуман маъруза тезислари тўпламига илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган профессор-ўқитувчиларимиз, изланувчи ва тадқиқотчилар ҳамда магистрантлар илмий ишлари киритилган.

Ушбу тўпламдаги маъруза тезисларида Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, эркин иқтисодий ва индустриал зоналарни шакллантириш ва ривожлантиришда тўғридан-тўғри сармояларнинг ўрни, инновацион технологиялар миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омил сифатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш тажрибаси, миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк-молия тизими барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари муаллифлар томонидан ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Масъул муҳаррир и.ф.д., профессор Н.Х. Жумаев

Тахрир хайъати:

и.ф.д., проф. А.Ш. Бекмуродов,
и.ф.д., проф. М.Р. Болтабоев,
и.ф.д., проф. Г.Н. Ахунова,
и.ф.д., проф. Ш.Р. Холмўминов,
и.ф.д., проф. И. Аҳмедов,
и.ф.и. Г.А. Кариева.

Такрирчилар:

и.ф.д., проф. М.С. Қосимова,
и.ф.д., проф. Н.К. Йулдошев

© Тошкент давлат иқтисодиёт
университети, 2012.

МУНДАРИЖА		Бет	
КИРИШ		8	
1-шуба. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЯПОНИЯ ЎРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИГНИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ			
1.	Жумаев Н.Х.	Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда банк-молия тизимининг ролини ошириш йўналишлари	9
2.	Эргашходжаева Ш.Д., Нишонов Д.Ш.	Япония олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлик стратегиялари	12
3.	Файзуллаева Н.С.	Психологические особенности системы японского менеджмента	14
4.	Расулов Н. М. Камолов А.	Ўзбекистон - Япония: инновацион ривожланишнинг истиқболлари	16
5.	Саипова М.П.	Иқтисодиётнинг Устувор Тармоқларида Сифат Менежменти Тизимини Такомиллаштиришда Сифатни Бошқаришнинг Япония Тажрибаси	18
6.	Abdovakhabova M.A.	Comparative aspects of gender in economic policies (based on the Japanese and Uzbek region-specific empirical research)	21
7.	Нарзуллаева Н. Н.	Ўзбекистон- Япония иқтисодий алоқаларининг айрим масалалари	23
8.	Alimova M.M.	Creative Cooperation of Uzbek and Japanese Musicians	25
9.	Karimova N. Sh.	Impact of Uzbek-Japan Relations into the Developing of Education System of Uzbekistan	26
10.	Усмонов Ф.	Ўзбекистон – Япония: ҳамкорлик робиталари	27
11.	Эрниязаров Ф.Н.	Ўзбекистон ва Японияда ўтказилган маданият кунларининг ўзаро маданий ҳамкорликдаги ўрни	29
2-шуба. ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ВА ИНДУСТРИАЛ ЗОНАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ТЎҒРИДАН- ТЎҒРИ САРМОЯЛАРНИНГ ЎРНИ			
12.	Каримов Н.Г., Султанов М.А.	Возможности применения мирового опыта развития инвестиционных фондов в Республике Узбекистан	33
13.	Adilova Z., Kasimbekova S.,	Measures to promote tourism services	36

41.	Шоносупова Н.Т.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳолини иш билан бандлигини оширишнинг муҳим омилли	93
42.	Шодибеков Д.И., Шодибекова Д.А., Орилов С.Ш.	Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг Япония тажрибаси	95
43.	Sodiqov Z., Saidkarimova M., Mahmudjonov A.	Directions of supporting small business and private entrepreneurship in the national economy	96
44.	Шарипов И.Б., Турсунхужаев С.Ж.	Кичик бизнес фаолиятида инновацион маркетингдан самарали фойдаланиш	98
45.	Тожибоева Ш.А., Маждов Б.Р., Курбоналиева Д.П.	Кичик бизнес корхоналарида иқтисодий салоҳият билан боғлиқ рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили	100
46.	Алимбекова К., Алимова Д.	Кичик бизнес субъектларида инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари	102
47.	Усмонов Ю.Б., Абдиев У.Н.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида аудиторлик текширувнинг аҳамияти	104
48.	Маматова Ф.Х.	Трансакция харажатларини оптималлаштириш – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти рақобатбардошлигини ошириш омилли сифатида	105
5-шубҳа. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИ БАҲАҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ			
49.	Рашидов О.Ю., Бекмуратова Г.А.	Пути повышения конкурентной эффективности коммерческого банка	109
50.	Каримов Н.Г., Хожиматов Р.Х.	Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида миллий банк тизимини ривожлантиришнинг аҳамияти	111
51.	Карлибаева Р.Х.	Акциядорлик жамиятларида бошқарув фаолиятини ривожлантиришда хориж тажрибаси	112
52.	Хошямов Э.А.	Инқироздан кейинги даврда банк фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш йўналишлари	114
53.	Ноджаева М.	Training of professional accountants and auditors in the Republic of Uzbekistan	117
54.	Утемуратова М.	Вопросы совершенствования технологии преподавания курса «Финансовый и управленческий анализ»	120

55.	Хусанбоев А.Г., Мелибоев Ш.А.	Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш дастурлари	122
56.	Исаков Ж.	Хизмат кўрсатиш соҳасида банк кредит маблағлари самарадорлигини таъминлаш	124
57.	Kurbanov D.R.	Tax for utilization of water resources – an important factor of efficiency upgrading of utilization of water resources	125
58.	Хусанбоев А.Г., Ахмедов А.С.	Банкларнинг молиявий ҳолатини баҳолашда CAMELS халқаро рейтинг тизимини ўрни	126
59.	Атавикязова М.Б.	Тижорат банкларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш йўналишлари	129
60.	Бабаразакова Р.У.	Инқироз шароитида банк тизимини баҳардор ривожлантириш масалалари	131
61.	Дадаханова У. Д.	Эффективное управление рисками ипотечного кредитования – залог стабильности банковско – финансовой системы	133
62.	Икрамова Н.Р.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида чакана банк хизматларини ривожлантириш йўналишлари	136
63.	Таджитдинов К.Р.	Условия формирования конкурентных преимуществ коммерческого банка	138
64.	Амонбоев М., Хомидов Н.	Корпоратив корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш	140

Корпоратив корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар ҳамда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнига устувор аҳамият қаратилмоқда. Чунки миллий иқтисодиётни тубдан янгилаш, жаҳон бозорида ҳар томонлама рақобатлаша оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар салмоғини янада ошириш вазифаларини корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини модернизациялашсиз амалга ошириб бўлмайди.

Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш – модернизациялаш жараёнининг зарур шартларидан биридир. Чунки бу тadbир ҳам корхонадаги мавжуд техника ва технологияларни сифат жиҳатдан такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга янги, қўшимча жиҳозларни татбиқ этиш орқали амалга оширилди. Маҳсулот ассортиментини кенгайтириш, бир томондан, чикитсиз технологияларни қўллаш ёки мавжуд чикитдилардан янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига; бошқа томондан эса, сотилаётган хом ашё ва материалларнинг бир қисми корxonанинг ўзида қайта ишлаш орқали маҳсулотнинг тайёрлик даражасини ошириш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, ўз мазмун-моҳиятига кўра, бир томондан, модернизациялашнинг зарурий таркибий қисми, бошқа томондан, уни такозо этувчи сабаби бўлиб ҳисобланади. Шу жиҳатдан ушбу икки жараён ўзаро узвий боғлиқдир.

Диверсификациялаш ҳам кўп мазмулли ва серқирра бўлиб, уни иқтисодиётнинг кўплаб соҳа ва жараёнларига нисбатан қўллаш мумкин. Корхона фаолиятини диверсификациялаш деганда, биринчи навбатда унинг фаолият соҳасини кенгайтириш назарда тутилади.

Одатда корxonанинг фаолият соҳаси у мансуб бўлган тармоқ ишлаб чиқариши билан белгиланади. Масалан, тўқимачилик корxonаси енгил sanoат тармоғига мансуб бўлиб, асосан ип, ипак ёки бошқа турдаги толалардан газлама материалларини тўқиш билан шугулланади. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш туташ жараёнларининг қўшиб олиб борилиши корхона фаолиятининг кенгайтишига олиб келади.

Масалан, тўқимачилик корxonаси ўз таркибида йигирув цехлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали бошқа корхоналардан сотиб оладиган ипларни эндиликда ўзи ишлаб чиқариши мумкин. Бу ҳолат корхонага, биринчидан, ип ишлаб чиқариш жараёнидаги қўшилган қийматини ўзида олиб қолиш орқали молиявий натижаларнинг ўсишига; иккинчидан, ипга бўлган талабини бир маромда ва кафолатли қондириш эвазига ишлаб чиқариш барқарорлиги ва иқтисодий натижаларнинг ошиши; учинчидан, ипнинг мақсадга мувофиқ сифатини таъминлаш орқали ўз газлама маҳсулотларининг сифати, бинобарин, рақобатбардошлик даражасини оширишга имкон яратади. Бироқ, бу ўринда

шуни ҳам эътиборда тутиш лозимки, корхоналарнинг самарали кўлами аксарият ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнларини бир корхонада тўплаш имконини бермайди.

Корхона фаолиятини диверсификациялаш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ёки кўрсатилаётган хизматлар ассортиментини кўпайтиришни ҳам назарда тутати. Бу ўринда корxonанинг турли фаолият соҳалари билан шугулланиши шарт эмас. Балки бир фаолият соҳаси, яъни келтирилган мисолга кўра тўқимачиликнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш ҳисобига корхона фаолиятини такомиллаштириш мумкин. Одатда, бозор иқтисодиёти шароитида ягона, битта маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар барқарорлиги хавф-хатарнинг юқори даражаси билан тавсифланади. Чунки ушбу маҳсулот бозоридаги конъюнктуранинг салбий ўзгариши корхона фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунга кўра, корхона анъанавий тарзда ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таркибини бозорда янги талаб шаклланиши ва изчил равишда ўсиб бораётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай ҳолда, бозордаги у ёки бу маҳсулотга бўлган талабнинг қисқариши ёки нархнинг пасайиши таъсирида пайдо бўлган йўқотишлар бошқа маҳсулотларга бўлган талаб ёки нархнинг ўсиши ҳисобига қопланади.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш кўпинча маҳсулот ва хизматлар сифатининг такомиллаштирилишига олиб келади. Чунки ишлаб чиқарувчининг маҳсулот янги турларини ўзлаштириш билан бир қаторда уларнинг истеъмол хусусиятларини яхшилашга интилиши пиروвардида сифат даражасининг ўсиши таъминлайди. Бу эса мазкур маҳсулот ва хизматлар сотиш ҳажмининг кўпайиши билан бирга уларни сотиш бозорлари кенгайтишига таъсир кўрсатади.

Бунга кўра, корхона фаолиятини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнлари ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг уйғун ҳолда қўлланилиши корxonанинг техник ва технологик жиҳатдан ривожланиши, молиявий ва иқтисодий имкониятларининг кенгайтиши, барқарорлигининг ошишига олиб келади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг қай даражада самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан корхоналарнинг кўлами ва ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ бўлади.

Юқорида қайд этилганларга кўра, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ўз навбатида корхона кўламини йириклашувини рағбатлантиради. Бошқа тенг шароитларда йирик корхона ўзининг бир қатор афзал жиҳатлари билан ажралиб туради. Масалан:

1) йирик корхоналар ўз имконият ва салоҳиятлари билан иқтисодий ҳамкорларни ўзига нисбатан устун равишда жалб эта олади. Турли конъюнктуравий тебранишлар шароитида ҳам йирик корхона фаолият барқарорлигининг сақланиб қолиши ўз навбатида иқтисодий ҳамкорликнинг барқарорлиги ва узок муддат давом этишини таъминлайди;

2) йирик корхоналар рақобат курашига бардошлилиги билан ажралиб туради. Уларнинг моддий-техник даражаси, иқтисодий ва молиявий имконияти,

фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жадаллик билан жорий эта олиш қобилияти доимий равишда товар ва хизматлар турларини янгилаш, такомиллаштириб бориш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш имконини беради;

3) йирик корхоналар бозордаги қисқа муддатли конъюнктуравий ўзгаришларнинг салбий таъсирига бардошли бўлади, тасодифий омиллар таъсирига қарши тура олади;

4) глобаллашув ва ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви шароитида йирик корхоналар халқаро меҳнат тақсимотининг устуликларидан кенгрок фойдаланиш имконига эга бўладилар. Улардаги қўлам самараси ташқи иқтисодий омиллар билан қўшилган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига замин яратади ва ҳ.к.

Юқоридаги барча омиллар ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларининг йирик корхоналарда нисбатан кенгрок амалга ошириш мумкинлигидан дарак беради.

Шунингдек, маъмур жараёнларга корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳам турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Маълумки, корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – бу ундаги мулкчилик муносабатлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакл ва механизмлари жиҳатидан ўзига хос таркибий тuzилиши бўлиб, давлат корхонаси, хусусий корхона, акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият ва бошқа шакллар шулар жумласидан ҳисобланади.

Корхонанинг ҳар бир ташкилий-ҳуқуқий шакли ўз эгалари, мулкдорлари ва ишчи-ходимларининг иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқариш даражасига ҳам таъсир кўрсатади. Бу, айниқса, ишлаб чиқаришнинг жорий ва стратегик мақсадларини амалга ошириш, молиявий натижалари, яъни фойдани тақсимлаш жараёнларида яққол намоён бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнлари узоқ муддатли истиқболда корхонанинг иқтисодий ва молиявий жиҳатдан юксалишига олиб келса-да, аҳамиятли даражадаги сарф-харажатларни тақозо этиши сабабли жорий натижаларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган турли иқтисодий субъектларнинг манфаатларига ҳам турлича таъсир кўрсатади. Шунга қўра, иқтисодий манфаатлар уйғун ва муштарақлигини турли даражада таъминловчи корпоратив корхоналарда ушбу жараёнларга бўлган муносабат ҳам бир-бирдан фарқланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЯПОНИЯ ЎРТАСИДА ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ СОҲАЛАРДАГИ ҲАМКОРЛИГИ

Халқаро илмий-амалий анжуманининг

МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТўПЛАМИ

Мухаррирлар

Мирбабаева С.А., Мирҳидоятowa Д.М.,

Ваҳобова М.М., Мадумарова Г.Э.,

Мусаҳҳас

Бобоева Н.С., Камилова Д.Ж., Тўраева Ф.Б.

Босишга руҳсат этилди 31.05.2012. Қогоз бичими 60x80 1/16.

Шартли босма табоғи 8,5. Адади 100 нусха.

229-сонли буюртма.

“DeHaus Print” Босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, У. Носиров кўчаси, 52